

## ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

### БУГУН ЖУРНАЛИСТИК АХБОРОТ СИФАТИ ҚАНДАЙ?

Ҳозирда бутун дунё миқёсида чегара билмас ахборот маконида яшайпмиз. Замонавий коммуникация технологияларининг такомиллашуви мамлакатлар турмуш тарзини ўзгартириб, янгидан-янги соҳа ва мутахассисликларни пайдо қилмоқда. Шунингдек, журналистикага ҳам янги йўналиш – Интернет журналистикаси кириб келди. Бу йўналиш ахборот йиғиш, олиш, уни сақлаш ва тарқатиш борасидаги жараёнларни соддалаштириш билан бирга соҳага оид янги муаммоларни юзага келтирди. Бу муаммолар ахборот сифатининг пасайиши ва унинг арзонлашувида акс этмоқда. Шунингдек, журналистик материалнинг ҳимояга муҳтож бўлиб қолаётгани ҳам жиддий масалага айланган. Яъни, интернетда, ижтимоий тармоқларда алоҳида шахслар томонидан тарқатилаётган маълумотлар ва веб нашрлар материалларининг журналистик ахборот мақомига эгалик масаласи баҳсли. Бу борада турли мамлакатлар ўз қарашлари ва ёндошувларига эга.

Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Олий Мажлис ахборот-коммуникация технологиялари қўмитаси ҳамкорлигида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси молиявий кўмагида амалиётчи журналистлар учун ўтказилган семинар-тренингда халқаро тренер сифатида машғулотлар олиб борган британиялик машҳур журналистлар – Боб Эггингтон ва Наоми Голдсмитларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



– Интернет тизимида маълумотларнинг сараланиши, фақат журналистик материал мақомига эга ахборотни фойдаланувчига тавсия қилишни жорий этиш долзарб, аммо ечими ҳанузгача маълум бўлмаган муammo хисобланади. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай ва Буюк Британия ҳукумати бу борада қандай чораларни кўрмоқда?

– Ўзингизга маълумки, интернетда юзага келган бу муаммони чеклаш, таъқиқлаш ёки чегаралаш билан ҳал этиб бўлмайди. Шунингдек, бу масала фақат битта давлат миқёсида ҳал этилиши ҳам мумкин эмас. Бунинг иложи йўқ. Чунки Интернет чегаралар узра, ҳудудлар аро бемисл ва турли йўналишларда тезлик билан тарқалаётган ахборот маконидир. Бу борада балки Ўзбекистон ёки бошқа бирон бир давлат маълум бир чоралар кўриши, журналистик ахборотни ҳимоялаш бўйича қонунлар қабул қилиши

мумкин. Аммо бу билан глобал муаммони бартараф этиш мушкул. Агар сизни бу савол Буюк Британия мисолида қизиқтираётган бўлса, шуни айтишим мумкинки, ушбу муаммо биз учун ҳам долзарблигича қолмоқда, – дейди Боб Еггинтон (*у мурожаатларда “жаноб” мақомини қўллаш одати Буюк Британияда йўқ бўлиб кетганлигини алоҳида таъкидлаб, уни оддийгина “Боб” деб аташ мумкинлигини айтди*).

– Сиз айтган муаммонинг яна бир тарафи борки, бу бевосита шу соҳа ходимларининг алоҳида шахс сифатида ҳимоясини тақозо этади. Бу – журналистлар. Бугунги кунда журналистлик фаолияти хавфлилик даражаси бўйича бошқа соҳаларга қараганда “пешқадам”дир. Бу муаммо айнан менинг ҳам дардим, чунки дунё бўйича журналистларнинг касбий фаолиятига боғлиқ ўлим даражаси ҳар қандай совуқ уруш қурбонлари даражасидан кам эмас, – дейди Наоми Гоулдсмит.

**– Демак инсоният, ҳозирча, Интернет фаолиятини олиб борувчилар ва ундан фойдаланувчилар ахлоқ нормаларига, давлатлар ҳудудида қабул қилинган соҳага оид мавжуд қонунқоидаларга риоя этишлари билан чекланишга мажбур.**

– Қисман, ҳа. Аммо бугунги кунда маълумотларнинг ҳаққонийлик даражасини белгилаб берувчи махсус дастурлар яратилган. Қайсидир маънода бу муаммонинг тўлиқ ечими бўлмаса-да, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қўйилган дастлабки кадам. Фақат масала шундаки, бу дастурлар самараси ахборот олувчининг техник имкониятлари ва ундан фойдалана олиш кўникмаларига боғлиқ бўлиб қолмоқда, – дейди Боб Еггинтон, – умуман олганда, ахборотни сохталаштириш бўйича расмий ва обрўли интернет нашрлар ижтимоий тармоқлардан қолишмаяпти. Масалан, куни кеча Афғонистон масалалари бўйича ҳукумат миқёсида бўлиб ўтган бир сиёсий учрашув ҳақидаги маълумот жараён тасвирланган фотосуратлари билан Интернет сайтларида эълон қилинди. Агар эътибор берган бўлсангиз, баъзи сайтларда суратдаги орқа фонда деворда соат бор, баъзи сайтлардаги суратларда эса соат йўқ. Бундай қараганда, бу эътиборга молик эмасдек гўё. Лекин масалага жиддий ёндашилса, ушбу ахборотнинг қалтис сиёсий томонлари фош бўлади. Ваҳоланки, бу сохталаштириш оддий фотомонтаж орқали амалга оширилиб, воқеа жойи ўзгартириб кўрсатилишига уриниш бўлган. Бу нимага ишора бўлгани тўғрисидаги мавзу алоҳида баҳс-мунозараларни келтириб чиқариши



тайин. Демокриманки, ахлоқ нормаларига риоя этиш журналистик позицияни белгиламайди. Сиёсий мавзулар моҳияти ҳамиша давлатларнинг ҳамда нашрларнинг позициясига кўпроқ боғлиқ.

– **Яна бир савол: коммуникацион техник имкониятлар даражаси Буюк Британияда қандай баҳоланади? Интернет тизими аҳолининг қайси қатламида фаолиққа ва ҳудудий техник имкониятларга эга?**

– Буюк Британияда Интернет тизими техник жиҳатдан яхши йўлга кўйилган. Бу борада аҳолини ахборот билан етарли таъминлаш даражаси ҳам жуда юқори. Аммо ундан фойдаланувчилар асосан ёшлар ва ўрта ёшлиларни ташкил этади. Буюк Британияда Интернет фаоллиги даражаси чекка ҳудудларда деярли паст. Буни техник имкониятларнинг чекланганлиги, контингент (фойдаланувчилар) доирасининг торлиги билан изоҳлаш мумкин, – дейди Боб Еггинтон.

Ғарблиқ мутахассисларнинг фикрларига кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг кўплиги, айниқса, фойдаланувчиларнинг аксарият қисмини аёллар ташкил этиши хорижлик ҳамкасбларимизни ҳайратлантирди. Шунингдек, мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида Интернет тизимига уланиш имкониятини берувчи компьютер, ноутбук, смартфон, планшет, мобиль телефон ва бошқа техник воситалардан аҳолининг фаол фойдаланиш кўрсаткичлари жадаллик билан кўтарилаётгани ҳақидаги маълумотлар улар учун кутилмаган янгилик эканлигини ҳам яшириб ўтирмадилар. Бу икки мамлакатнинг ҳудудий жиҳатидан олиб қараганда Ўзбекистоннинг ютуғидир. “Мен Интернет тизимидан деярли фойдаланмайман. Бунга эҳтиёж йўқ”, – дейди суҳбат сўнггида (*оддий*) Боб.

Умуман олганда, чет эллик меҳмон ёшидаги Ўзбекистон аҳоли қатлами ҳам Интернет тизимидан фаол фойдаланувчилар гуруҳига кирмайди. Бунга уларда эҳтиёж йўқ. Аммо Интернет тизимида айнан Ўзбекистонга оид сифатли ахборот танқислиги мавжуд муаммо. Унинг ечими эса фақат биз журналистларга боғлиқдир.

**Мухайё Саидова тайёрлади.**